

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1798-ҳадис

5126/1798 – وَفِي رِوَايَةٍ عَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ امْرَأَةً جَاءَتْ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، جِئْتُ لِأَهَبَ لَكَ تَفْسِي، فَتَنْظُرَ إِلَيْهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَصَعَّدَ النَّظَرَ إِلَيْهَا وَصَوَّبَهُ، ثُمَّ طَأَّطَأَ رَأْسَهُ، وَدَكَرَ الْحَدِيثَ، وَقَالَ فِي آخِرِهِ: «أَتَقْرَأُ عَنْ ظَهْرِ قَلْبِكَ؟» قَالَ: نَعَمْ، قَالَ: «أَدَهَبَ فَقَدْ مَلَكْتُكَهَا بِمَا مَعَكَ مِنَ الْقُرْآنِ».

1798a/5126. Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир аёл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен ўзимни сизга ҳиба қилгани келдим», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга қараб, бошдан-оёқ разм солдилар. Кейин бошларини қуйи солиб олдилар. Ўзи ҳақида ҳеч қандай қарор қилмаганларини кўргач, аёл ўтирди. Шу пайт у зотнинг саҳобаларидан бир киши ўрнидан туриб: «Эй Аллоҳнинг Расули, агар сизнинг эҳтиёжингиз бўлмаса, унга мени уйлантириб қўйинг», деди. У зот: «Бирор нарсанг борми?» дедилар. У: «Аллоҳга қасамки, йўқ, эй Аллоҳнинг Расули!» деди. У зот: «Аҳлингга бориб, қара-чи бирор нарса топармикансан», дедилар. У бориб, сўнг қайтиб келди-да: «Аллоҳга қасамки, йўқ, эй Аллоҳнинг Расули! Ҳеч нарса топа олмадим», деди. «Бир темир узук бўлса ҳам қара», дедилар. У бориб, қайтиб келди-да: «Аллоҳга қасамки, йўқ, темир узук ҳам йўқ, эй Аллоҳнинг Расули. Лекин мана бу изорим бор, – Саҳл айтади: «Унинг ридоси ҳам йўқ эди» – шунинг ярми унга бўлақолсин», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «У изорингни нима қилади? Сен кийсанг, унга ҳеч нарса қолмайди, у кийса, сенга ҳеч нарса қолмайди-ку», дедилар.

Ҳалиги киши ўтирди ва узоқ чўкиб қолди. Кейин ўрнидан турди. Унинг қайтиб кетаётганини кўриб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрган эдилар, уни чақиришди. У келгач: «Сенда Қуръондан нима бор?» дедилар. У: «Менда фалон сура, фалон сура, фалон сура бор», деб санади. У зот: «Уларни ёддан ўқий оласанми?» дедилар. «Ҳа», деди. «Боравер, сендаги Қуръон эвазига сени унга (аёлга) эга қилдим», дедилар».



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI